2015 йил 8 октябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 204 (13.017)

Баҳоси эркин нархда

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2015 йил 7 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Туркманистон делегацияси Кўксарой мажмуида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар 8 октябрга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

**(ЎзА)**

***Яқинда Ҳиндистон пойтахтида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

## ДЕҲЛИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизнинг ушбу давлатдаги элчихонаси ташаббуси билан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг Деҳлидаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур тадбирда Ҳиндистоннинг 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, савдо-саноат палаталари, сайёҳлик компаниялари ҳамда иқтисодиётнинг бошқа институтлари, шунингдек, маҳаллий ОАВ вакиллари қатнашди.

Тақдимотнинг очилишида сўзлаган Ҳиндистон савдо-саноат палатаси раиси Бал Рам Саини икки давлат ўртасидаги савдо кўрсаткичлари сўнгги йилларда сезиларли равишда ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

— Иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар жуда кўп, — деди Бал Рам Саини. — Айниқса, тўқимачилик саноати, ахборот технологиялари, сайёҳлик ҳамда хизмат кўрсатиш сингари соҳаларда ҳиндистонлик тадбиркорларнинг Ўзбекистон бозорига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу эса республикада хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайлик ва имкониятлар самарасидир.

Тадбир меҳмонлари мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий салоҳияти, соҳани либераллаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни қонуний муҳофаза этувчи мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворнинг мавжудлиги, маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорларнинг эркин ва тўлақонли фаолият юритишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Бу борада давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ҳақида сўз юритилар экан, жорий йилнинг 15 май куни имзоланган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда унда белгиланган асосий вазифаларга алоҳида тўхтаб ўтилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




***Тошкентда "Ипак йўлида туризм" XXI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси якунланди.***

Ислом Исмоилов олган сурат

## ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИМОТЛАР ВА САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

"Ўзбектуризм" миллий компанияси ва "Буюк Ипак йўли" реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмагида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Испания, Италия, Франция, Швейцария, Латвия, Россия, Польша, Словакия, Чехия, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Вьетнам, Малайзия, Таиланд, Туркия, Доминикан Республикаси, Исроил, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатлардан етти юздан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Халқаро сайёҳлик ярмаркаси қатнашчилар кўплиги, намойиш этилган лойиҳаларнинг хилма-хиллиги, қизиқарли тақдимотларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди. Ярмарка иштирокчилари соҳадаги ютуқлар, янгиликлар билан яқиндан танишди.

– Ўзбекистонда сайёҳликнинг барча йўналишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ, – деди Малайзиянинг "Felda Travel" компанияси бош ижрочи директори Нора Азмин Радзуан. – Малайзиядан Ўзбекистонга саёҳат қилаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистондан Малайзияга тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилгани сайёҳлик борасидаги имкониятларимизни янада кенгайтиришга ва икки томонлама сайёҳлик оқимининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Ушбу ярмарка сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, имкониятларимизни намойиш этиш, соҳа мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

Миллий ва халқаро сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар, банк хизматлари, суғурта компаниялари ҳамда оромгоҳлар вакиллари иштирок этган ушбу ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, хушманзара табиатимиз ва ноёб меъморий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари кенг намойиш қилинди.

– Компаниямиз Словакия, Хорватия, Австрия, Италия, Франция, Буюк Британия бўйлаб саёҳатларни ташкил этиш билан шуғулланади, – деди "Happy Tours" компанияси директори Рок Булц (Словакия). – Ўзбекистонда саёҳатларни мазмунли ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд. Тарихий обидалар, самимий меҳмондўстлик, ноёб ҳунармандлик буюмлари, энг асосийси, юртингиздаги тинчлик-тотувлик муҳити бутун дунё сайёҳларини жалб этмоқда. Мамлакатингиз туроператорлари билан ҳамкорлигимизни ривожлантириб, Ўзбекистондан Европага, Европадан Ўзбекистонга сайёҳлар жўнатиш ниятидамиз.

"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат миллий павильони" стендлари ярмарка иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Улар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан танишди. Тадбир қатнашчилари махсус экспозицияларда ўзбек миллий таомлари ва турли мева-сабзавотлардан татиб кўрди, миллий ҳунармандлик буюмларини харид қилди. Андижон, Бухоро ва Қашқадарё павильонларида сопол буюмлар, ганч ўймакорлиги, қўғирчоқлар каби маҳсулотларни тайёрлаш бўйича ўтказилган маҳорат дарслари, шунингдек, ўзбек миллий либослари намойиши, миллий мусиқа ва рақсларимиз иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ярмарка доирасида ташкил этилган "Hosted Buyers" ("Профессионал харидорлар") дастури истиқболли шериклар ва харидорлар ўртасидаги учрашувларни олдиндан белгилаш, уларга муайян имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

– Ўзбекистон сайёҳлик бозори биз учун ғоят истиқболли, – деди ЎзА мухбирига "Media Tourism & Travel" компанияси бош менежери Шалан Сулаймон (БАА). – Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бир неча йилдан бери ҳамкорлик қилиб келамиз. Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон халқининг бой маданияти, тарихи ва бугунги тараққиёти билан танишишга қизиқиш юқори. Ярмаркада мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар алмашинувини янада кенгайтириш бўйича Ўзбекистоннинг қатор сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатдик. Мамлакатингизда компаниямиз ваколатхонасини очишни режалаштирганмиз.

Халқаро ярмарка доирасида "Маданий меросни асраш Ўзбекистон сайёҳлик соҳаси ривожининг муҳим омили" мавзусида халқаро конференция ҳам бўлиб ўтди. Бир қанча мамлакатлар ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимотлар, соҳага оид амалий семинарлар ўтказилди.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида қатор йўналишлар бўйича сайёҳлик соҳасининг энг яхши ва фаол ғолиблари аниқланди ва тақдирланди.

**Нодира МАНЗУРОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси иштирокида "Иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари" мавзусида республика семинари ўтказилди.**

**● Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида ёши улуғ инсонларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган nuroniy.uz интернет-портали ишга туширилди.**

**● Сирдарё вилояти "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил этилган кўргазмада вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан ташриф буюрган ҳунармандлар ва қўғирчоқбозларнинг ишлари ўрин олди. Тадбир давомида ҳунарманд аёллар томонидан турли эртаклардан парчалар, саҳна кўринишлари маҳорат билан ижро этилди.**

**● Тошкент вилояти Қибрай туманида "Гиёҳвандлик — умр заволи" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташкил этган тадбирда ўқитувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қибрай туман кенгаши томонидан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириш мақсадида турли викторина савол-жавоблари ташкил этилди.**

**● Сурхондарё вилояти марказида замонавий "Термиз буюм бозори" иш бошлади. Қарийб 3 гектар майдонни эгаллаган мажмуада 300 га яқин савдо шохобчаси мавжуд. Шунингдек, 11 павильон, 2 қаҳвахона ҳамда маъмурий бинолар барпо қилинган.**

### ЖАҲОНДА

**● LG Electronics ва Google ўзаро ҳамкорликнинг янги натижаси — Googleнинг янги Android 6.0 Marshmallow операцион тизимида ишлайдиган Nexus 5X смартфонини расман тақдим этди. Nexus 5X 5,2 дюймли Full HD IPS дисплейи билан жиҳозланган. Унда қўлланилган In-Cell Touch технологияси тўғридан-тўғри қуёш нурлари остида ҳам тасвир юқори сифатли бўлишини таъминлайди.**

**● Facebook компанияси Африка қитъаси интернет фойдаланувчиларига интернетга кириш имконини тақдим этувчи сунъий йўлдошни ишлаб чиқиш устида иш бошлаганини маълум қилди. AMOS-6 сунъий йўлдоши лойиҳаси Франциянинг Eutelsat телекоммуникация компанияси билан ҳамкорликда тайёрланмоқда. Жаҳондаги энг йирик ижтимоий тармоқ ҳисобланган Facebookнинг асосчиси Марк Цукербергнинг қайд этишича, сунъий йўлдош орбитага чиққанидан сўнг, Африка устида парвоз қилади ва қитъанинг аксарият қисмига интернет сигналларини узатади.**

**● ФИФА президенти 90 кунга ўз лавозимидан четлатилди. Сентябрь ойи охирида амалдорга нисбатан масъулиятсизлик ва маблағни талон-тарож қилиш айби қўйилиб, унга нисбатан жиноий иш очилган эди. Аммо Блаттер уни ҳеч қандай далил-исботсиз айблаб келишаётганини таъкидлади.**

## ПАХТА САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

***Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида "Ўзпахтасаноат" уюшмаси Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган XI Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасига тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказаётгани маълум қилинди.***

Ўзбекистон халқаро бозорга пахтани барқарор етказиб бераётган мамлакатлардан биридир. Бунга пахтани тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга доир самарали ишларнинг амалга оширилаётгани, пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаш бўйича замонавий тизимлар жорий этилаётгани туфайли эришилмоқда.

Бу жараёнда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси алоҳида ўрин тутмоқда. Айни пайтда унинг таркибида 98 пахта тозалаш заводи, чигитни экишга тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган цехлар, таъминот тармоқлари ва бошқа ёрдамчи бўлимларни бирлаштирувчи 13 ҳудудий акциядорлик жамияти, шунингдек, "Пахтасаноат илмий маркази" акциядорлик жамияти фаолият юритмоқда.

Матбуот анжуманида сўнгги йилларда тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, уруғлик чигитни тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Чунончи, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги пахта тозалаш заводлари ҳузурида ўнлаб замонавий цехлар ишга туширилди. Бунинг самарасида энергия харажатини сезиларли равишда қисқартириш ва келаси йил ҳосили учун чигит сифатини оширишга эришилди.

Тармоқда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳар йили 3 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёсини тайёрлаш имконини бермоқда. Пахта хомашёсини қайта ишлаш натижасида 1 миллион тоннадан ортиқ тола, қарийб 1,6 миллион тонна уруғлик тайёрланиб, 80 минг тонна линт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси маълумотларига кўра, 2015-2020 йилларда соҳанинг яна 50 корхонаси реконструкция қилинади. Бу борада тасдиқланган инвестиция дастури доирасида Манғит, Музработ ва Боғот пахта тозалаш заводларидаги эскирган технологиялар замонавийларига алмаштирилади.

XI Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчилари Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамиятига ташриф буюриши, уларни пахтани қайта ишлаш жараёнига жорий этилаётган замонавий технологиялар билан таништириш режалаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

Фармон ва ижро

# ЯНГИЧА БОШҚАРУВ — ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Президентимиз раҳнамолигида хусусий мулкнинг турли шаклларини ривожлантириш, уларнинг миллий иқтисодиётдаги улушини ошириш билан бирга халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мазкур мулкчилик шаклини ташкилий, молиявий, ҳуқуқий кадрлар билан таъминлаш жиҳатидан тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги давлат активларини бошқариш маркази директори ўринбосари Асқар ОБИДОВ мазкур фармон ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

– Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасидан маълумки, йирик компания, концерн ва корпорациялар корпоратив бошқарув жараёнининг пишиқ-пухталигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Чунки оқилона бошқарув бир томондан кўп сонли акциядор, бошқа томондан, турли ишлаб чиқариш объектларига эга бундай йирик корхоналарда ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш гарови саналади.

Авваллари бошқарув деганда кўпинча директорлик корпуси тушуниларди. Ваҳоланки, акциядорлик жамиятларида ҳар бир йўналишга масъул ўрта бўғин менежерларининг бошқарувдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга экани дунё тажрибасидан яхши маълум. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатимизда ишлаб чиқилган Акциядорлик жамиятининг намунавий ташкилий тузилмаси халқаро талабларга тўла мос янги менежмент усулларининг жорий этилишига замин яратди.

Мамлакатимиздаги барча акциядорлик жамиятларини намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Эски бўлинма ва лавозимлар тугатилиб, янги бўлинма ҳамда лавозимлар жорий этилди. Хусусан, лавозими бўйича техник масалалар юзасидан қарор чиқариш ваколатига эга бўлсада, бошқарув аъзоси сифатида амалда бошқарув қарорларини чиқариб келган бош муҳандис лавозими тугатилиб, ишлаб чиқариш директори лавозими ташкил қилинди. Бу унинг ваколат доирасини аниқ белгилаб, масъулиятини ошириш имконини яратди.

Корпоратив бошқарувга жорий этилган янги лавозимларнинг мансаб мажбурияти ва вазифаларини аниқ белгилаш мақсадида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари янгиланган классификатори ишлаб чиқилди. Мамлакатимиздаги мавжуд лавозим ва касбларни тўлиқ инвентаризация қилиш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида классификаторга киритилган янги 566 лавозим ва касбнинг 74 таси корпоратив бошқарувга тааллуқлидир. Янгиланган классификаторни ишлаб чиқишда давлат ва хўжалик ташкилотлари билан биргаликда йирик корхоналарнинг таклифлари ҳам инобатга олинди.

Акциядорлик жамиятларига раҳбар ходимларни ишга танлов асосида олиш, бунда чет эллик мутахассисларнинг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги 623 акциядорлик жамияти уставига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Акциядорлик жамиятлари раҳбарлари корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойиллари, менежмент ва маркетинг, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш тизими бўйича аттестациядан ўтказилди. Аттестация якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбар кадрлар, хорижий менежерларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг самарадор усулларини жорий этишда ривожланган давлатлар, хусусан, Германия тажрибаси чуқур ўрганилмоқда. Етакчи хорижий компаниялар, мутахассислар ҳамда экспертлар иштирокида корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни методик таъминлаш, акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимларини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

"Даймлер", "Siemens", "BMW", "Люфтганза", "Тиссен Крупп", "МАН", "Кнауф" сингари Германиянинг 25 етакчи компанияси ташаббуси билан 2002 йилда асос солинган Европа менежмент ва технологиялар мактаби билан ҳамкорлик бу борада муҳим роль ўйнамоқда. Бу ерда "Бизнесни бошқариш", "Раҳбар ходимлар учун бизнесни бошқариш" сингари халқаро стандартлар асосидаги ўқув дастурлари ташкил қилинган.

Яқинда ушбу таълим даргоҳининг бир гуруҳ мутахассис ва профессор-ўқитувчилари томонидан "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси, "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзэлтехсаноат", "Ўздонмаҳсулот", "Дори-дармон" акциядорлик компаниялари, "Кафолат суғурта компанияси", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятлари сингари йирик корхоналарнинг 80 нафар раҳбар ходими корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари бўйича ўқитилди. Машғулотларда фаол иштирок этган 40 нафар иштирокчи Германиядаги йирик компанияларга амалиёт ўташга юборилиши кўзда тутилган.

Корпоратив бошқарув илмий таълим марказининг фаолиятини халқаро талаблар даражасида йўлга қўйишда ҳам мазкур хорижий ўқув муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

Германиянинг "Indecon Consulting" компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари учун тавсия этиладиган Корпоратив бошқарув кодекси лойиҳаси тайёрланиб, Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссияга тақдим этилди.

Фармон асосида юртимиздаги 364 акциядорлик жамияти тугатилиши ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиши белгиланган. Ҳозиргача уч юздан зиёд акциядорлик жамияти тегишли тартибда тугатилди ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтказилди. Жумладан, туман машина-трактор парклари вилоят машина-трактор паркларининг филиаллари сифатида қайтадан ташкил қилинди.

Мазкур ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг ўзига хослиги шундаки, акциядорлик жамиятлари акциялаштириш воситасида исталган миқдорда инвестиция жалб қилиши мумкин. Устав жамғармасини кўпайтиришнинг бундай имкониятига эришиш учун корхона фаолияти ва ҳисоботлари очиқ, хоҳ йирик, хоҳ кичик бўлишидан қатъи назар, акциядор манфаатлари бирдек ҳимояланган бўлиши зарур.

Бу ўринда кам сонли акцияга эга миноритар акциядорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, бошқарувда уларнинг ўрни ва ролини ошириш муҳим ўринга эга. Шу мақсадда "Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисида"ги низом ишлаб чиқилди.

Мазкур низомга мувофиқ миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлик жамиятида улар орасидан миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил этилиши мумкинлиги белгиланди.

Қўмита раиси қўмитанинг ваколати доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг маълумот ва ҳужжатлари, жумладан, жамият тафтиш комиссияси, аудиторлик ташкилоти хулоса ва ҳисоботлари, назорат қилувчи давлат органлари текшириш далолатномалари, жамият ва унинг мансабдор шахсларига нисбатан чиқарилган суд қарорлари, аффилланган шахслар билан назарда тутилган битимларни жамият ижроия органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганиш бўйича баённомаларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мухтасар айтганда, корпоратив бошқарув соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган мазкур саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, йирик бизнес тармоғига замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Беҳзод БОЗОРОВ**
**ёзиб олди.**

# ДЕҲЛИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, Ҳиндистон бизнес вакиллари Навоийда ташкил қилинган интермодал логистика марказининг имкониятлари, "Жиззах", "Ангрен" махсус индустриал зоналарида хорижий сармоядорлар учун яратилган шароитлар, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг Деҳлидаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда икки мамлакат ўртасида сайёҳлик алмашинувини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашуви ва иқлимининг ўзига хос хусусиятлари, бетакрор тарихий-маданий мероси, ўзбек халқ амалий санъати ҳақидаги маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзбекистон Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги энг ишончли савдо-иқтисодий шерикларидан биридир, — деди "Global express multilogistics PVT.LTD" компанияси директори Шанкар Шинде "Жаҳон" АА мухбири билан суҳбатда. — Бугунги тақдимотдан сўнг биз мамлакатингизда ташкил этилган иқтисодий зоналарда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. Ҳозир Ўзбекистонда Ҳиндистон капитали иштирокида 80 дан ортиқ корхона, 20 дан зиёд ҳинд фирма ҳамда компанияларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётганига қарамасдан, икки мамлакат тадбиркорлари янада кенгроқ ва самаралироқ ҳамкорлик қилишлари ҳамда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришлари мумкин эканлиги бугун аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилди. Ишонаманки, келгусида биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан мазкур имкониятлардан кенгроқ фойдаланамиз.

**"Жаҳон" АА.**
Деҳли

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик субъектлари, хусусан, ёш ишбилармонларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.***

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ҳамкорлигида мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятига бағишланган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда Президентимиз фармони ва мазкур фармон асосида жорий йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда белгиланган тартиб-қоидалар ва уларнинг мазмун-моҳияти ёшларга етказилди. Яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёз ва қулайликлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, бизнесини очиш ва ривожлантириши, тенгдошлари бандлигини таъминлашида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар оилалар фаровонлиги, аҳоли бандлиги, иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Мутасадди ташкилотлар томонидан олиб борилаётган семинарлар, давра суҳбатлари, мутахассислар иштирокидаги учрашувлар хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бизнес ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиши, иқтисодий билимларини ошириш билан бирга, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг ҳам ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва жамиятга фаол интеграциялашувига хизмат қилмоқда.

Тадбиркорларни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни тизимли йўлга қўйиш соҳасида тижорат банклари кенг фаолият юритаётир. Жумладан, сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб беш баробарга ўсган. Жорий йилнинг олти ойида янги иш ўринлари ташкил этиш ва кичик бизнесни ривожлантириш учун 6,5 триллион сўмга яқин маблағлар йўналтирилган.

– Соҳага оид янги ҳужжатлар тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялашда муҳим дастуруламал бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Ипотека-банк"нинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Иноятов. – "Ипотека-банк" томонидан жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга 721 миллиард сўмдан зиёд маблағлар ажратилди. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида уларнинг бизнес ғоялари 17 миллиард сўм миқдорида молиялаштирилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга оилавий тадбиркорлик, касаначилик, бизнес-режа тузиш, кредит олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари юзасидан тавсиялар берилди. Мутахассислар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

# ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси йиғилишида аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашнинг бугунги ҳолати, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга доир ахборот тингланди.***

Тадбирда вазирлик ва идоралар, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Газ тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатиши таъкидланди. Президентимизнинг 2006 йил 8 августдаги "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, табиий газни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш, шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва "зангори олов" учун тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ишлари "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси зиммасига юклатилган.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда табиий газ 13,7 минг километрлик магистрал қувурлар орқали етказиб берилаётир. 25 компрессор станцияси, 341 газ тақсимлаш станцияси ва 2 ер ости газ омбори йилнинг исталган даврида "зангори олов"ни барқарор етказиб беришни таъминламоқда.

Тадбирда мамлакатимизда бир истеъмолчига йилига ўртача 3 минг куб метрдан ортиқ табиий газ тўғри келиши қайд этилди. Бу, ўз навбатида, "зангори олов"дан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни талаб этади. Газ таъминоти соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани самарасида ушбу жараён янада очиқ, ошкора ва тезкор амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, юқори технологияларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани табиий газ истеъмолчилари қарзининг кўпайишини сезиларли равишда камайтириш имконини бераётир.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси истеъмолчиларга юқори даражада қулайлик яратиш мақсадида ўз веб-ресурслари орқали интерфаол хизматлар кўрсатиш ишларини такомиллаштирмоқда. Айни пайтда www.uztg.uz веб-порталида "шахсий кабинет" хизмати ишлаб чиқилган бўлиб, бу ерда табиий газ учун тўловлар ҳолатига доир батафсил ҳисобот келтирилган. www.mbank.uz ва www.smstulov.uz сайтларида газ учун тўловларни амалга ошириш бўйича интерфаол хизмат ишга туширилди. Аҳоли ва улгуржи харидорлар учун тўловлар режимини кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Компаниянинг http://uztransgaz.uz веб-сайтида табиий газ тарифларига оид маълумотлар янгиланиб, газдан фойдаланиш бўйича янги ҳужжатлар жойлаштириб борилмоқда, акциядорлар навбатдаги умумий мажлислар санаси ва кун тартиби ҳамда сўнгги қарорлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилинмоқда. Тижорат банклари билан ҳамкорликда табиий газ учун тўловларни электрон пластик карточкалар орқали қабул қилиш пунктлари тармоғи кенгайтирилмоқда.

Йиғилишда ижобий ривожланиш кўрсаткичлари билан бир қаторда, газ тармоқларига ноқонуний уланиш, газ тақсимлаш тизимлари устидан кунлик тезкор назорат ўрнатиш, газ таъминоти тизими ходимлари малакасини ошириш билан боғлиқ ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар таъкидланди. Иштирокчилар мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

Қиш тайёргарликни ёқтиради





# 1055: ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

***Октябрь ойи ҳам бошланиб, ҳаво ҳарорати аста-секин совиб бормоқда. Бу эса табиийки, қиш мавсумига тайёргарлик бошлаш зарурлигига ишорадир. Қиш эса тайёргарликни ёқтиради. Бу сўзлар маъносини яхши англаб етган Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси жамоаси белгиланган кузги-қишки чора-тадбирлар режасини яна бир бор кўздан кечириб, уларни муваффақият билан ниҳоялаб, қишни пухта ҳозирлик билан кутиб олиш ниятида меҳнат қилмоқда.***

Бунда эса Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015-2016 йиллар қиш мавсумини талаб даражасида ўтказиш, шаҳар аҳолисига табиий газ, иссиқлик ва электр энергияси таъминотини бир меъёрда етказиб бериш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Унга мувофиқ кўп қаватли уй-жой фондини сақлаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг барқарор ишлаши бўйича тезкор чора-тадбирларни белгилаш ҳамда қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш бўйича мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Албатта, қишга тайёргарлик борасида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам учраши мумкин. Энг муҳими, уларнинг вақтида ҳал этилиши. Айниқса, шахсий хонадонларда қўлбола ясалган иситиш мосламаларининг қўлланмаслиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масалалари муҳим аҳамиятга эга.

— Яқинда биринчи қаватда турадиган қўшни уйимиз атрофидаги ерни тозалаш мақсадида чиқиндилар, қуриган ўтлар, хазонлар, шох-шаббаларни ёқиб юборган экан, — дейди Бектемир туманида яшовчи Гулбаҳор Ёрматова. — Улар тутаб, атрофга ёқимсиз ҳид тарқатганидан шошиб қолиб, "1055" диспетчерлик хизматига ёнғин чиққани ҳақида қўнғироқ қилиб қўйибман. Бир неча дақиқада маҳалла, ҳокимият, ёнғинни ўчириш хизмати вакиллари етиб келди. Арзимаган ҳолат учун ҳаммани безовта қилганимдан хижолат бўлдим.

Ҳа, эндиликда деярли барча ҳамшаҳарларимиз яхши билишадики, уй-жой фонди ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келаётган авария ҳолатлари, носозлик ва барча турдаги камчиликлар бўйича мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва бартараф қилинишини таъминлаш мақсадида Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси қошида марказий диспетчерлик хизмати ташкил қилинган. Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида хизмат "1055" телефон рақами билан таъминланган ва туну кун фаолият кўрсатади.

2015 йил 1 сентябрь ҳолатида "1055" рақамига қарийб ўн мингта ариза тушган. Уларнинг тўққиз минг беш юздан ортиғига чора кўрилиб, камчиликлар бартараф этилди. Қолган мурожаатлар бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ушбу хизмат фаолиятини янада кучайтириш мақсадида диспетчерлик хизмати учун барча қулайликларга эга бўлган хоналар ажратилиб, жиҳозланди, — дейди Тошкент шаҳар Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Дилмурод Зокиров. — Коммунал хизматлари ва туман ҳокимликлари билан доимий ҳамкорликда ишлаш тизими жорий қилинди. Хонада газ, электр, идораларининг вакиллари ўтириб, қўнғироқларга жавоб беришади. Бунда мурожаат "1055" диспетчерлик хизматига келиб тушганидан кейин, махсус китобда қайд этилиб, компьютер маълумотлар базасига киритилади. Сўнгра тезлик билан муаммони ҳал қилишга масъул корхона ёки ташкилотга ҳамда туман ҳокимлигига электрон ва телефон тармоғи орқали етказилади. Шу жараёнда носозликнинг турига кўра бартараф этиш учун муддат белгиланади. Муддат ўтганидан сўнг масъул корхонадан ижро маълумоти сўралиб, мурожаат этган фуқародан ҳам муаммонинг ижобий ечими бўйича тилхат ёки оғзаки маълумот олинади.

Эслатиб ўтиш жоизки, мурожаатларнинг асосий тури кўп қаватли уйнинг ички муҳандислик тизимидаги носозликлар, коммунал хизматларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Мисол учун, тушган шикоятларнинг қарийб бир минг икки юзтаси кўп қаватли уйларнинг том қисми бўйича, сал кам бир ярим мингтаси эса уйларга иссиқлик етказиб бериш, яна мингдан ортиғи ертўла қисмига тегишли. Кўп қаватли уйлардаги лифтларнинг носозлиги бўйича шикоятлар ҳам талайгина.

Таъкидлаш жоизки, "1055" ишонч телефонларига келиб тушаётган мурожаатларга ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли, уй-жой фондидаги носозлик ва авария ҳолатлари сони камаймоқда. Яна бир гап. Агарда ҳар бир истеъмолчи коммунал хизматлар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб борса, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг янада яхшиланишига шак-шубҳа йўқ. Бунинг учун ширкат ва истеъмолчи, ширкат ва уларга коммунал ҳамда таъмирлаш-қурилиш хизматлари кўрсатадиган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар амалда тўлиқ ижро этилишига изчил эришиш даркор.

**Зиёда ВОҲИДОВА**


ЎзА олган сурат

Анжуманлар

# ИЛҒОР ИЛМИЙ ИШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти томонидан "Астрономия фани истиқлол йилларида" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.***

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти С.Лутфиллаев, астрономия институти директори Ш.Эгамбердиев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида илм-фаннинг барча йўналишларини янада тараққий эттириш, илғор илмий ишларни қўллаб-қувватлашга ҳар томонлама аҳамият берилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институти нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки, бутун Марказий Осиёдаги энг кекса илмий муассаса ҳисобланади. У бундан бир ярим аср аввал ташкил этилган бўлиб, узоқ вақт давомида юлдузлар каталогларини тузиш, осмон жисмларининг ноёб ҳаракатлари ва тузилишини ўрганиш каби қатор илмий масалалар юзасидан фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари Астрономия институтининг олимлари аниқ вақтни ўлчаш, шаҳар ва аҳоли пунктларининг географик координатлари ва уларнинг вақт билан ўзгаришини аниқлаш, табиий офатларнинг рўй бериши эҳтимоллигини аниқлаш каби бир қатор амалий масалалар устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда.

Президентимизнинг 1993 йилда имзоланган Майданак обсерваторияси ва унга қарашли комплексларни ривожлантириш ҳақидаги Фармонини амалга ошириш бўйича институт ходимлари халқаро ҳамкорликни кенг миқёсда ривожлантириш йўналишида иш олиб боришмоқда. Натижада институт тадқиқотлари дунёнинг бир қатор нуфузли мамлакатлари билан биргаликда амалга оширилмоқда. Жумладан Япониянинг Миллий астрономия обсерваторияси, Жанубий Кореянинг етакчи университетлари ассоциацияси, Германия, Франция обсерваториялари тадқиқотчилари билан биргаликда илмий изланишлар янада кенгаймоқда.

Майданак обсерваторияси астроиқлими билан бирга замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги бўйича дунёдаги энг нуфузли обсерваториялар сафидан ўрин олган.

Олимларнинг изланишлари самарасида Самарқанд кичик сайёраси ва бир қатор сайёралар кашф этилди. Шу билан бирга, институт олимларининг илмий тадқиқотлари мамлакатимизнинг геодезия, картография, гидрометеорология, қурилиш, архитектура, муҳандислик каби соҳаларида жадал татбиқ этиб келинмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Астрономия институтининг кўмаги билан республикамиздаги олий ўқув юртларида олтита ўқув обсерваторияси ишга туширилди. Эндиликда астрономия ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган бакалавр ва магистрлар амалий машғулотлар билан бирга, илмий изланишларни ҳам ушбу обсерваторияларда амалга ошириш имконига эга.

2014 йилдан бошлаб Астрономия институти Майданакда Хитой фанлар академиясига қарашли Миллий астрономия обсерваторияларининг кўзгусининг диаметри 1 м бўлган телескопини модернизация қилиш ишларини бошлаб юборди.

Ушбу телескоп ёрдамида 2016 йилдан бошлаб Майданак юлдузлар каталогини тузиш ишларини бошлаш режалаштирилмоқда. 150 миллион юлдузни ўз ичига оладиган бу каталог Майданак обсерваторияси нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

***Президентимиз раҳнамолигида инсон, унинг манфаатлари, жумладан, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ этилиб, тиббиётнинг барча йўналишлари, хусусан, микробиологияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.***

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

# НАФАҚАТ ЗАРАРСИЗ, БАЛКИ ФОЙДАЛИ ПРЕПАРАТЛАР

"Бактерия" сўзини одамлар одатда касаллик ва антисанитария ҳолатлари билан боғлайди. Бироқ ҳамма бактерия ҳам инсон учун зарарли эмас. Уларнинг айримлари сутни пишлоққа айлантирса, бошқалари ошқозон-ичак тизимида яшаб, бизнинг соғлом бўлишимизга ёрдам беради.

Ичак флораси деб аталадиган бу бактериялар яна пробиотиклар номи билан кенг тарқалган. Аслини олганда фойдали ва зарарли бактериялар нисбати 85:15 фоизни ташкил қилади. Агар ушбу мувозанат бузилса, соғлиқ билан боғлиқ муаммо пайдо бўлади.

Пробиотиклар инсон иммун тизимига ёрдам бериб, шамоллаш, грипп, ичак шамоллаши, аллергия ва диарея касалликларининг олдини олади, касалликдан сўнг организмнинг қайта тикланишини тезлаштиради. Асосийси – улар овқат ҳазм қилиш тизими соғлом бўлишида муҳим ўрин тутади. Носоғлом ҳаёт тарзи, ҳаяжонланиш, нотўғри овқатланиш мувозанатнинг бузилиши ва зарарли бактериялар пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблардандир.

Ошқозон билан боғлиқ муаммо нафақат жисмоний, физиологик номутаносибликни келтириб чиқаради. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, болаларда эътиборни жамлай олмаслик синдроми ва аутизм, катта ёшли кишиларда руҳий сиқилиш ва фикрнинг хиралашиши каби хасталиклар ошқозонда бактериялар номутаносиблиги билан боғлиқ бўлиб, бу ичакнинг шамоллашига сабаб бўлади.

Диарея нималигини ҳаммамиз яхши биламиз. Антибиотиклардан фойдаланиш унинг пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблардан биридир. Чунки антибиотиклар зарарли ва фойдали бактерияларни ўлдириб, зарарланган ошқозон заифлигини янада оширади.

Олимларимиз томонидан бу борада ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, пробиотиклар диареяни осон енгар экан. Пробиотиклар антибиотикларни қўллаш орқали юзага келадиган диареянинг ривожланиш имкониятини пасайтириши аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институти қошида фаолият кўрсатаётган "Ором Биопрепарат" масъулияти чекланган жамияти бундай пробиотик препаратларни яратиш ва ишлаб чиқариш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқда. Жамият анъанавий ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида фаол иштирок этиб келмоқда. Институт мутахассислари томонидан маҳаллий субстратлардан олинган штаммлардан таркиб топган мазкур препаратлар ўз самарадорлигини кўрсатди. Улар хорижда ишлаб чиқарилган препаратларга қараганда организмга самарали таъсир кўрсатади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, маҳаллий штаммлар физиологик жиҳатдан юртимиз экологияси ва аҳолининг овқатланиш хусусиятларига мослашган.

Институтимиз томонидан ишлаб чиқарилган "Бифидумбактерин PL", "Лактобактерин Ором" препаратлари истеъмолчиларга яхши маълум. Улар бактериал ва вирусли ўткир ичак инфекциялари, турли дисбактериозларни даволашда, "Бификол PL" ичакнинг сурункали яллиғланиши ва бузилишида жуда самаралидир. "Қуритилган колибактерин" сурункали ичбуруғ, ярали, сурункали ва энтероялліғланишни даволаш учун тавсия этилади. "Қуритилган бактоспорулин" замбуруғли ичак ва вагинал инфекцияларнинг олдини олиш ва уларни даволашда кенг қўлланилмоқда.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилгани туфайли институтимиз мутахассислари пробиотикларнинг янги хусусиятларини ўрганиш ва уларни турли касалликларни даволашда синтетик препаратлар ўрнида қўллаш бўйича фаол тадқиқотлар олиб бораётир.

Сўнгги йилларда инфекцияли хасталикларни даволаш учун пробиотиклардан фойдаланиш истиқболли йўналишга айланмоқда. Масалан, пробиотиклар ошқозон ва 12 бармоқ ичак ярасини даволаши мумкинлиги аниқланди. Бу борада ҳайвонларда ўтказилган тажриба шундан далолат берадики, пробиотиклар ошқозоннинг яра касаллиги туфайли зарарланган тўқималари тузалишига ёрдам беради. Олимларнинг фикрича, бундай хусусиятга эга пробиотиклар ошқозон-ичак тизимининг ярали касалликларини даволаш учун катта салоҳиятга эга.

Микробиология институтида уй шароитида тайёрланган пишлоқдан сут кислотаси ҳосил қиладиган бактерияларнинг янги Lactobacillus rhamnosus штамми олинди. Илмий тадқиқотлар бу штамм яра пайдо бўлишининг олдини олиш учун микробларга қарши таъсир кўрсатадиган оқсилни синтезлаш бўйича ўзига хос хусусиятга эга эканидан далолат беради.

Халқ табобати ва анъанавий тиббиётда турли хасталикларни даволаш учун қўлланиб келинаётган асаларичилик маҳсулоти – прополис ҳам яна бир қимматбаҳо биологик бирикма ҳисобланади. Ярани тузатиш ва микробларга қарши фаол таъсир кўрсатиш унинг кўплаб хусусиятларидан биридир.

Прополис ва сут кислотаси ҳосил қиладиган бактериялар микробларга қарши таъсир қиладиган ва ярани самарали тузатиш хусусиятига эга янги "Лактопрополис" препаратини яратиш имконини берди. Ушбу препарат айни пайтда ярали касалликларни тузатишнинг ягона усули бўлган антибиотиклар билан даволашга нисбатан кўпгина афзалликларга эга. Янги препарат антибиотиклардан фарқли равишда заҳарли эмас ва организм уни яхши ўзлаштиради. Бундан ташқари, касаллик қўзғатувчи омиллар лактопрополисга кўникиб қолиши мумкинлигидан қўрқмасдан уни қўллаш мумкин.

Ошқозон ярасининг олдини олиш ва даволашда препарат самарадорлигини, унинг организм иммун тизимига таъсирини ўрганиш мазкур препарат ошқозон яраси пайдо бўлишининг олдини олиши, мавжуд яраларни даволаш, организм иммунитетини ошириш ва айни пайтда тавсия этилаётган антибиотиклар ўрнида ишлатиш мумкинлигидан далолат беради.

Микробиология институти олим ва мутахассислари пробиотикларнинг янги хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларни фаол давом эттирмоқда. Масалан, организм учун нафақат зарарсиз, балки самарали бўлган бир қанча пробиотик препаратлар яратилди. Уларнинг айримларини четдан келтирилаётган дори-дармонлар ўрнида бемалол ишлатиш мумкин. Бу асосда халқаро стандартлар талабларига мос ишлаб чиқариш базасининг яратилиши нафақат мамлакатимиз аҳолисини бундай препаратлар билан таъминлаш, балки уларни ташқи бозорга экспорт қилиш имконини ҳам беради.

**Ш.МИРОЛИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институтининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди.**
**(ЎзА)**

***Келажак ёшларники, озод ва обод юрт ворислариники. Албатта ақлли, доно, кучли ва баркамол ўғил-қизлар тарбиясида биз кексалар бурчлимиз. Ёшларга хос ҳамма фазилатлар ўз йўлига. Лекин юртпарварликнинг аҳамияти беқиёс.***

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

# НУРОНИЙЛАРИМИЗ — ОИЛА ЧИРОҒИ

Хўш, фарзандларимиздаги бундай сифат қандай ва қаерда шаклланади. Сўзсиз, оила ва мактаб орасидаги узвий ришталарда. Боиси, она меҳрига қониққан бола яшаб турган уйи, оиладаги муҳит билан ғурурланиши табиий. Ўз кўчаси, мактабию маҳалласини зиёда кўриши ҳам сир эмас. Демак у қадрдон қишлоқ, қолаверса тенги йўқ шаҳарда яшаб турганига шукроналар айтади. Ҳа, ватанпарвар ёшларимиз жаннатмакон юртни асраш, барқарорликни сақлаш, келажак сари дадил одимлаш кераклигини яхши биладилар.

Юртсеварлик қонимизда бор. Уруш кўрган боболаримиз ҳам ўз уйи, ота-она, ёр-биродарларини яна кўриш ниятида жангга кирган. Давлатимиз раҳбарининг истиқлол даврида вояга етган, янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимизнинг ота-боболардан мерос қолган ўз юрти ва тупроғини муқаддас деб билиш, эртанги ёруғ кун учун фидойилик қилишга тайёр туриш каби хислатлари ҳар биримизда уларга нисбатан ишонч бағишлайди, деб таъкидлаган эдилар. Бундай йигит-қизларнинг камол топишида ёши улуғларнинг ҳам хизмати борлиги "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида эътироф этилганидан мамнунмиз.

Хусусан, мазкур дастурда жумладан мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш ҳақидаги самимий сўзларни ўқиш мумкин.

Бундан ташқари уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун темир йўл транспортидан бепул, ҳаво транспортидан имтиёзли фойдаланиш, йилда бир марта санаторийларга текин йўлланма бериш, уй-жой коммунал хизмат тўловларини компенсация ҳисобига тўлдириш каби енгилликлар жорий этилди. "Олтиариқ" санаторийсида 100 ўринли қўшимча корпус қуриш, "Косонсой", "Тахиатош", "Маржонсув" оромгоҳларини мукаммал таъмирлаш, Жиззах вилоятида "Ҳавотоғ" санаторийсини бунёд этиш кўзда тутилмоқда. Давлат дастурида "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қарияларимиз хонадонимиз файзи", "Энг яхши маҳалла гузари", "Кекса авлод — оила таянчи", "Аср билан юзма-юз", "Кексаларнинг дуосини олайлик", "Кексаларимиз — оила чироғи" каби қатор тадбирларни уюштириш мўлжалланган. Қаранг, шунчалар эътибор, эътироф, эъзоз.

Биз кексалар истиқлол фарзандларини тарбиялашда камарбаста эканмиз, соғлом оилавий муҳитда ҳалол, меҳнаткаш, илмли, эл-юрт хизматига тайёр ёшларни вояга етказиш ҳақида ўйлашимиз лозим. Уларнинг мактаб-коллеж босқичидаги ҳаётларини ҳар жиҳатдан назардан четда қолдирмаслик ва меҳр кўрсатиш муҳимдир. Шундай қилайликки, болаларимиз беҳуда ҳаракат ва фикрларга чалғимасин. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, бола тарбиясида бош фарзанднинг ибрати алоҳида аҳамият касб этаркан. Сир эмаски, ҳаммамиз ҳам биринчи боламизга кўпроқ эътибор қиламиз.

— Болаларимнинг онаси Нафисадан кўнглим тўқ, — дейди "Тирсакобод" маҳалласида яшовчи Муҳиддин Ғуломов, — мен у билан умр бўйи ҳамфикр бўлдим. Бунинг болалар тарбиясида аҳамияти катта. Тўрт ўғил, бир қизни вояга етказдик. 16 невара, 17 эваранинг дуосини қилиб ўтирибмиз. Тўнғич фарзандимиз Муҳаммаджон эпли, ақл-ҳуши жойида. Укаларига бош, меҳрибон. Хусусий тадбиркор, топгани ҳалол. Укаларининг унга ҳурмати баланд. Муомала, иш ва рўзғор масалаларида аканинг кор қилаётганига шукрлар айтаман. Ўзим 115-мактабда ўқитувчилик қилдим. Фарзандларинг соғлом фикрли, юрт хизматига тайёр бўлишига нима етсин...

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Эрта баҳор эди, ўшанда. Уруш даврини бошдан кечирган отам Ҳикматнинг айтган ҳикояси ҳақида ҳамон ўйлайман. Очиқ, кунгай айвонда ўтирган эдик. Қалдирғоч чуғурлаб, чарх ура бошлади. "Кўрдингми, қизим қуш ҳамма жойга ин қуравермайди. Қайси бир йили ясаган уясида яна полапон очишга чоғланмоқда. Демак, билгинки, бизнинг хонадон ҳавоси тоза, тинч, ҳалол, меҳнат гўшаси. Бундай маконни қалдирғочлар сира тарк этмайди", — дедилар отам.

Ҳа, қари билганни пари билмайди, деганларича бор. Илоҳим, қалдирғочлар кўпайиб, яйрайверсин. Бизга тинчлик, омонлик керак. Мусаффо осмон қушларга тўлсин.

**Мукаррама ШУКУРОВА,**
**Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси**

Тадбирлар

# ТИНЧЛИК – ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

***Сергели молия-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Одам савдоси – давр муаммоси" мавзусида тарғибот тадбири ташкил этилди.***

Ушбу тадбир замирида вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, хорижда ишлашнинг қонуний асосларини тушунтириш ҳамда ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларини шакллантириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ғоялари мужассамланган.

Тадбирда сўзга чиққан Сергели туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия котиби Улуғбек Умаров, ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори Бахтиёр Эшмирзаев, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси мутахассиси Бекзод Султонов, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Баҳодир Хаитматов ва бошқалар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ёшларнинг турли хил алдовларга берилмасдан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишини таъкидлаб ўтишди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашини шакллантириш, ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси Санжар Саидов. — Жумладан туман Кенгаши томонидан умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда "Одам савдоси – давр муаммоси", "Ёшлар тинчлик истайди!" ва "Тинчлик учун курашмоқ керак!" мавзуларида давра суҳбатларини ташкил этиш белгиланиб, жойларда шундай тадбирлар ўтказилмоқда.

**Умаржон ҲАЗРАТОВ**

# ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

***Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти билан ҳамкорликда "Огоҳлик – давр талаби" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***

Унда Маънавият ва маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ходимлари, институт хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, факультет декани ўринбосарлари, касаба уюшма қўмитаси ходимлари, "Камолот" ЁИҲ, гуруҳ мураббийлари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсати аъзоси, социология фанлари номзоди Т.Матибаев, ЎҚЯОЖ темир йўл минтақавий ташкилоти раиси Р.Рустамбекова ва бошқалар бугунги кунда халқаро миқёсда ўзини баралла намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, шубҳасиз, диний экстремизм ва ундан озиқланаётган ҳамда диний шиорлар билан ниқобланган терроризм эканлиги, бизнинг келажагимиз бўлган ёшларнинг Ватан равнақи йўлида яхши ўқиб, ёт оқимларга қўшилиб кетмасликлари, огоҳ бўлиш, ёш умрларини хазон қилмасликларини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида мутахассислар томонидан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳақида талабаларга маълумотлар берилиб, унга аъзо бўлиш қонун-қоидалари тушунтириб ўтилди. Талабалар огоҳ бўлишга чорланди. Муаммо туғилганда кимга, қаерга мурожаат қилиш кераклиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, талабаларга "Экстремизм" фильми намойиш этилди. Фильмдан сўнг талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Зарина РУСТАМОВА**

"101"

# ҲУШЁРЛИК – ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

***Ёнғин хавфсизлиги ходимлари ўз хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жойларда турли тарғибот тадбирларини ўтказишмоқда.***

Бундан кўзланган мақсад — аҳолининг ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ташкилот, корхона ва муассасага тааллуқлидир.

Шу ўринда аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энг аввало, очиқ алангалардан фойдаланаётганда эҳтиёт чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолдаги, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик, белгиланмаган жойларда чекмаслик.

Олов баъзи пайтларда кишининг соғлиғига путур етказадиган, инсонларни мол-мулкидан айирадиган офатдир. Шунинг учун биз ундан энг аввало эҳтиёткорлик билан фойдаланиб, ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни асраш учун доимо ҳушёр бўлишимиз лозим. Энг муҳими, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамжиҳатлик билан меҳнаткаш халқимиз ҳаёти, мол-мулкини ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишмоқда. Буни ёнғинлар сони йилдан йилга камайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

Айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги ёки табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги турли кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, ҳар бир фуқаро кундалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилса, ҳар хил офатларнинг олди олинган бўларди. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг мақсад-муддаоси ҳам айнан шу.

**Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,**
**12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант**

Спорт янгиликлари

***Осиё Футбол Конфедерацияси томонидан Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ташкил этилган маҳоратли мураббийлар учун форум-семинарларда Ўзбекистон ўсмир қизлар терма жамоаси устози Баҳром Норсафаров иштирок этди.***

# АЁЛЛАР УЧУН ЯНГИ МУСОБАҚА

Осиё Футбол Конфедерацияси раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган ушбу семинар кун тартибидан қитъамизда аёллар футболи равнақи учун хизмат қилиши мумкин бўлган бир қатор долзарб масалалар муҳокамаси ўрин олган эди.

Бу борада ўзбекистонлик тажрибали мутахассис Баҳром Норсафаров аёллар футбол жамоалари ўртасида ҳам Осиё чемпионлар лигаси мусобақасини ташкил этиш таклифини илгари сурди. Мазкур таклиф семинар қатнашчиларига жуда манзур бўлиш билан бирга энди ОФКнинг навбатдаги йиғилишларида ушбу масаланинг жиддий ўрганиб чиқилиши белгиланди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик мураббий таклифи асосида яқин йиллар ичида Осиёда ҳам аёллар футболи бўйича чемпионлар лигаси турнири ташкил этилиши мумкин.

# ИСТЕЪДОДИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

***Бутун дунё профессионал бокс оламига энг сара чарм қўлқоп усталарини етказиб бераётган Ўзбекистон бокс мактабининг ёш ва умидли вакилларидан бири Санжар Раҳмонов дунёнинг машҳур мутахассислари эътирофига сазовор бўлмоқда.***

Ҳаваскор боксда Осиё чемпиони ҳамда Осиё ўйинлари совриндори бўлган ҳамюртимизнинг 2015 йилдан бошлаб профессионал боксда фаолият юритаётгани мамлакатимиздаги барча бокс мухлисларига маълум. Хусусан, жорий йилнинг ўзида дастлабки икки жангни ишончли ғалабалар билан якунлаган Санжарга эндиликда дунёнинг энг машҳур промоутер ташкилотлари кўз тикишмоқда.

Боксчимизнинг истеъдодини муносиб баҳолай олган Америка Қўшма Штатларининг энг нуфузли бокс клуби "Мейвезер Промоушенс" бундан буён ҳамюртимиз иштирок этадиган жангларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлди. Маълум қиламизки, "Мейвезер Промоушенс" бокс клуби америкалик афсонавий боксчи Флойд Мейвезерга қарашли бўлиб, клубда фақат таниқли ва тажрибали мураббий ҳамда маҳоратли спортчилар иш олиб боришади.




# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Тошкент Бирлашган техника мактабининг картодромида спортнинг дуатлон тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ чемпионати ва биринчилиги мусобақаси ўтказилди.***

Мусобақада 5 та жамоа ва 40 нафар спортчи иштирок этди.

— Ташкилотимиз келажагимиз бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан уларга инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга ва эзгу ишлар сари йўналтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели Ўқув СТК" унитар корхонаси бошлиғи Саидакром Ғаниев. — Таъкидлаш жоизки, ташкилотимиз Ватанимиз қудратини оширишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Олиб борилаётган тизимли ишлар ўз натижасини бериб келмоқда. Мазкур мусобақада ташкилот аъзоларидан иборат жамоамизнинг биринчи ўринни қўлга киритиши бизга янада катта масъулият юклади.

Натижаларга кўра Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели Ўқув СТК" унитар корхонаси жамоаси 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонаси жамоасига насиб этди. Республика олий спорт маҳорати мактаби жамоаси эса 3-ўринни банд этди.

Мусобақа ғолиблари диплом ва медаллар билан тақдирландилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

***Хитой Тайпейининг Тайоюан шаҳрида эшитиш қобилиятини йўқотган спортчилар ўртасида саккизинчи бор ўтказилаётган Осиё ва Тинч океани ўйинларида мамлакатимиз таэквондочилари енгил вазнларда учта бронза медалга сазовор бўлишди.***

Мусобақанинг эркаклар баҳсларида Даврон Хидиров (-58 кг), хотин-қизлардан эса Гулмира Дадажонова (-47 кг) ва Маҳфуза Қурбоновалар (-57 кг) Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига бронза медалларини келтиришди.

Эслатиб ўтамиз, эшитиш қобилиятини йўқотган спортчилар ўртасидаги Осиё ва Тинч океани ўйинларида таэквондодан ташқари енгил атлетика, бадминтон, велоспорт, футбол, боулинг, футзал, дзюдо, стол тенниси, сузиш, теннис ва баскетбол мусобақалари ҳам ўтказилади. Бу йилги ўйинларда 25 давлатдан келган жами 1500 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

Ёшлар — келажагимиз

# ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ТЎГАРАКЛАР

***"Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёти марказида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди.***

Тадбирда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари барча тўгараклар фаолияти билан яқиндан таништирилди. Иштирокчиларга қўл меҳнати ёрдамида тайёрланган ижод намуналаридан иборат кўргазма намойиш этилди. 2011 йилдан буён фаолият юритаётган марказда ўқувчилар маънавий-ахлоқий, тарихий анъаналаримиз, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбияланиб, ўз ижодий қобилиятларини ривожлантириб келмоқдалар. Марказ тўгаракларига янги 2015-2016 ўқув йилида 746 нафар ўғил-қиз қабул қилинади.

— Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш орқали қамровни йил сайин оширишга эришаяпмиз, — дейди марказ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Йўлдошхўжа Акбаров. — Бу эса таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини янада яхшилаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, тартиббузарлик ҳолатларининг олдини олиш омилидир. Улар ўз ижодий ишлари билан республика миқёсидаги кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Тўгарак аъзоларига халқимизнинг бой ҳунармандчилик сирларини ўргатиш учун марказимизда барча шарт-шароит яратилган. Ўтган йили муассасамиз мукаммал таъмирдан чиқарилди.

— Турли мевалар ва полиз маҳсулотларига нафис безак беришга қизиқаман. Шу боис, "Карвинг санъати" тўгарагига аъзо бўлдим, — дейди Олмазор туманидаги 11-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Маҳфуза Убайдуллаева. — Бугун тўгарак раҳбари Маъмура Исмоиловадан илк маҳорат сабоқларини олдик. Дугоналарим эса "Дўппидўзлик", "Тикувчилик", "Драма", "Қўғирчоқ театри", "Фортепиано", "Шахмат" тўгаракларига аъзо бўлди. Биз ўқувчилар бу тўгаракларда касбий лаёқатимизни шакллантирамиз.

Тўгарак аъзоларининг бадиий-мусиқий чиқишлари иштирокчиларга манзур бўлди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## "AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2015 йил 10 ноябрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Юнусобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 29.02.2008й. кунги 1-75/08-сонли ижро варақа, 1997 йилда и/ч дав. бел. 10 W 1601 бўлган "BMW 525 tds" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 45 819 422,80 сўм. 2. 29.02.2008й. кунги 1-75/08-сонли ижро варақа, 1995 йилда и/ч дав. бел. 30 T 0952 бўлган "Opel Vectra" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 348 416,68 сўм. 3. 29.02.2008й. кунги 1-75/08-сонли ижро варақа, 1996 йилда и/ч дав. бел. 5660EA7 бўлган "Opel Omega" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 740 304,88 сўм. 4. 29.02.2008й. кунги 1-75/08-сонли ижро варақа, 1995 йилда и/ч дав. бел. 1364EK7 бўлган "Audi A4" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 503 626 сўм. 5. 16.05.2014й. кунги 8441/22-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 F 313 AA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 981 558 сўм. 6. 21.06.2014й. кунги 1258587/22-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 722 QAA бўлган "Daihatsu Terios" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 60 000 000 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қурувчи кўчаси, 11-48-уйда сақланаётган: 1. 24.06.2015й. кунги 10-1508/11278-сонли ижро варақа, 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 790 PCA бўлган "Cobalt" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 234 600 сўм. 2. 24.06.2015й. кунги 10-1508/11278-сонли ижро варақа, 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 618 PCA бўлган "Captiva" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 92 973 600 сўм. 3. 24.06.2015й. кунги 10-1508/11278-сонли ижро варақа, 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 614 PCA бўлган "Malibu" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 92 251 660 сўм.

2015 йил 27 октябрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 24.03.2014й. кунги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 126 NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 154 NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 145 MAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 802 OAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 010 TAA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 80 750 000 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 075 ZAA бўлган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 266 452 200 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 337 DAA бўлган "Lexus LS460L" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 205 200 000 сўм. 8. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 763 TAA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 250 000 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 B 432 HA бўлган "Audi A8L Quatro" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 213 750 000 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 N 557 JA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 560 000 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 470 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 605 000 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 438 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 799 145 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 544 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 439 NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 15. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 856 LAA бўлган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 300 000 сўм. 16. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 870 BBA бўлган "Hyundai H-1 GLS" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 906 DAA бўлган "Лада11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 18. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 905 DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 340 000 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 275 EAA бўлган "АГБСНГГА3330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 000 000 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 920 DAA бўлган "Ваз11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 475 000 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 921 DAA бўлган "Лада11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 22. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 913 DAA бўлган "Ваз21041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 955 000 сўм. 23. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 922 DAA бўлган "Лада11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 525 000 сўм. 24. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 908 DAA бўлган "Лада11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 25. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 911 DAA бўлган "Ваз21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 26. 1956 йилда и/ч дав. бел. 01 056 TAA бўлган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 084 129 сўм. 27. 1969 йилда и/ч дав. бел. 01 069 TAA бўлган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 016 131 сўм. 28. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 061 WBA бўлган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 000 000 сўм. 29. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01 041 MAA бўлган "Гономак" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 221 240 сўм. 30. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01 043 MAA бўлган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 415 274 сўм. 31. 16.10.2013й. кунги 62989/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Феруза Баракат Сервис" МЧЖда сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 O 862 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 498 072 сўм. 32. 22.08.2013й. кунги 58980/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 T 836 LA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 129 797 сўм. 33. 07.01.2014й. кунги 613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 A 532 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 875 968 сўм. 34. 15.08.2011й. кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 A 351 бўлган "SK 24" ярим тиркама. Бошланғич нархи 23 040 350 сўм. II. Сергели тумани СИБ томонидан, 31.07.2014й. кунги ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 323 EAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 587 273 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 044 EAA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 639 460 сўм. 3. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 044 NBA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 287 480 сўм. 4. 1988 йилда и/ч дав. бел. 01 516 BBA бўлган "Камаз 5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 999 118 сўм. 5. 24.06.2014й. кунги 1-243/14-сонли ижро варақа, 1999 йилда и/ч дав. бел. 75 K 511 EA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 361 489 сўм. 6. 26.05.2014й. кунги ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 M 751 FA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 713 162 сўм. 7. 29.10.2013й. кунги 1-803/13-сонли ижро варақа, 1978 йилда и/ч дав. бел. 01 O 347 JA бўлган "Ваз 21011 СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 515 434 сўм. III. Чилонзор туман СИБ томонидан, 12.01.2015й. кунги 13-421/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 2003 йилда и/ч дав. бел. 01 P 706 LA бўлган "Мерседес Бенц 320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 49 410 000 сўм. 2. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 N 202 GA бўлган "Лексус IS250" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 89 100 000 сўм. IV. Бектемир туман СИБ томонидан, 12.05.2015й. кунги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 1989 йилда и/ч дав. бел. 01 J 083 MA бўлган "Москвич 2141" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 580 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаролар ўзларининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйларидаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели тумани, Қўйлиқ-5 даҳаси ва Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳасидан (мўлжал: "Ёшлик" спорт мактаби ҳудудидан ва 5-даҳадаги иссиқхона ҳудудидан) ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота туманидан (мўлжал: Ҳасанбой-5 даҳаси қаршисидаги ҳудуддан, Сергели туманидаги машина бозори рўпарасидан) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 239-35-06
(+99894) 688-88-77
(+99890) 357-95-96


## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини **15 октябрдан** кечиктирмай тўлашни унутманг!

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **9 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **9 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6295 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5